



Қашқадарё вилояти, Қарши ш, Шибаев кўчаси 1-уй, 15-хонадон, х/р: 2020 8000 9041 6271 1001,
ИНН: 203869896, МФО: 00854, ОКЭД: 69202. Ўз.СҚБ Қарши ш. Tel.: +99891 640-45-64, +99891 462-41-58

МУСТАКИЛ АУДИТОР ХУЛОСАСИ

«Shahrisabz paxta tozalash» акциядорлик жамияти йиллик бухгалтерия ҳисоботларига

Ф И К Р

Биз «Shahrisabz paxta tozalash» акциядорлик жамияти, кейинги ўринларда – «жамият» (Манзили: Қашқадарё вилояти, Шахрисабз шаҳри, Ипак йўли кўчаси 110-уй, СТИР 200706483) аудитга тақдим қилинган қуйидаги бухгалтерия ҳисоботларини аудиторлик текширувидан ўтказдик:

- 2021 йил бухгалтерия баланси;
- 2021 йил молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот.

Бизнинг фикримизча, хўжалик юритувчи субъект «Shahrisabz paxta tozalash» акциядорлик жамияти тақдим қилган 2021 йил 31-декабрь ҳолатидаги бухгалтерия молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун асосидаги бухгалтерия ҳисобини юритишнинг стандартлари талабларига мувофиқ келади.

ФИКР БИЛДИРИШ УЧУН АСОСЛАР

Биз ушбу аудитни ҳалқаро аудит стандарлари (ХАС) асосида ўтказдик. Бизнинг жавобгарлигимиз ушбу стандартнинг "Бухгалтерия йиллик ҳисоботларини аудит ўтказишда аудитор жавобгарлиги" бўлимида очиб берилган. Мустақил аудитор ва аудиторлик ташкилотлари тўғрисидаги қоида, аудиторларнинг касбий этикаси кодекси, профессионал бухгалтерларнинг касб этикаси кодексига кўра биз жамиятга нисбатан мустақилмиз. Юқоридаги кодекслар Ҳалқаро стандартлар кенгаши томонидан ишлаб чиқилган профессионал бухгалтерларнинг касб этикаси ва биз бажараётган шунга ўхшаш мажбуриятлар шу касб этикаси талабларига асосланган. Биз томондан аниқланган аудиторлик далиллари етарли ва асосли бўлиб, билдираётган фикримизга асос бўла олади.

РАҲБАРИЯТ ВА КОРПАРАТИВ БОШҚАРИШ, БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБОТЛАРИНИ ЮРИТИШ БЎЙИЧА МАЪСУЛ ШАХСЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

Жамият раҳбарияти бухгалтерия йиллик ҳисоботларини Ўзбекистон Республикасининг бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонуни талаблари асосида белгиланган тартибда тайёрланиши ва ишончли тақдим қилиши, ички назорат тизимини йўлга қўйиш, муҳум бузилишларсиз, виждонан ва хатосиз тайёрланиши учун жавобгардир.

Йиллик бухгалтерия ҳисоботларини тайёрлашда жамиятнинг имконияти бўйича доимий равишда фаолият юритиш, доимий фаолият юритишга алоқадор ҳолатларни очиб кўрсатиш, доимий фаолият юритиш асосида ҳисоботлар тузишга етарли даражада баҳо беришга раҳбарият жавобгардир.

Жамиятни корпаратив бошқаришга маъсул шахс жамиятнинг йиллик бухгалтерия ҳисоботларини тайёрлаш ишларини назорат қилишга жавобгардир.

Бизнинг мақсадимиз оқилоно ва ишонч билан йиллик бухгалтерия ҳисоботлари муҳум бузилишларсиз ва виждонан, хатосиз тайёрланганлигини ичига олган фикр билан аудиторлик хулосасини беришдир. Оқилоно ишонч юқори даражадаги ишончни ўз ичига олган бўлиши халқаро аудит стандарлари(ХАС)да аудит ўтказиш муҳум бузилишлар мавжудлиги қафолат эмас, муҳум бузилишлар ўз ишига виждонсизлик билан ёндошиш ёки хато қилиш оқибатида содир этилган бўлиши мумкин. Булар алоҳида ёки биргаликда йиллик бухгалтерия ҳисоботидан асос сифатида фойдаланувчиларнинг иқтисодий қарор қилишига таъсир қилиши мумкин.

Биз халқаро аудит стандарт (ХАС) доирасига мувофиқ аудит ўтказиш давомида касб ҳукмига ва касб скептицизмни сақланишига амал қилдик. Бундан ташқари биз қуйидагиларни бажаришга ҳаракат қилдик:

- Йиллик бухгалтерия ҳисоботида виждонсизлик ҳаракатлари ёки хато қилишлар оқибатида муҳум бузилишларни аниқлаш ва уларнинг хавф-хатарига баҳо бериш; аудиторлик тартиби бўйича хатарларга жавоб бериш; фикр билдиришга хизмат қиладиган етарли даражада ва тўғри аудиторлик далилларини олиш; виждонсизлик ҳаракатлари оқибатида пайдо бўлган жиддий хатоликни аниқламаслик хато қилиш натижасидаги жиддий хатоликни аниқламасликдан юқори бўлса, шунингдек, виждонсизлик ҳаракатлари оқибатида пайдо бўлган жиддий бузулишларга тил бириктириш, қалбакилаштириш, қасддан хато қилиш, маълумотларни бузиб кўрсатиш ёки ички контрол системаси айланиб ўтиш ҳолатларини аниқлаш;
- аудит учун аҳамиятга эга бўлган ва ички назорат системаси моҳиятини тушуниш, тегишли ҳолатлар бўйича аудит процедураларини ишлаб чиқиш, лекин жамият ички назорат системасининг эффektivлигига фикр билдириш мақсадида эмас;
- қабул қилинган ҳисоб сиёсатининг тўғрилигига, жамият раҳбарларига берилган баҳолар қийматларининг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг мос келишига баҳо бериш ;
- Жамият раҳбарияти томонидан қабул қилинган жамият фаолиятининг давомийлиги, қонунийлигига хулоса қиламиз, аниқланган аудиторлик далиллари асосида хулоса қиламизки, айрим воқеалар ва ҳолатлар бўйича аҳамиятли ноаниқликлар натижасида жамият фаолиятининг давомийлигига аҳамиятли шубҳалар туғилиши мумкин. Агар биз аҳамиятли ноаниқликлар мавжуд эканлигига хулосага келсак, биз ўзимизнинг аудиторлик хулосамизга йиллик бухгалтерия ҳисоботига тегишли маълумотларни ошкор қилиш ёки маълумотларни ошкор қилиш тўғри бўлмаса, фикримизни ўзгартириш мумкин бўлади. Бизнинг хулосамиз аудиторлик хулоса берилган кунгача аниқланган аудиторлик далилларга асосланган. Аммо келажақда бўладиган воқеалар ва ҳодисалар жамият ўз фаолиятининг давомийлик қобилиятини йўқотиши мумкин.
- Жами тақдим қилинган йиллик бухгалтерия ҳисоботларига, унинг тузилиши ва мазмунига, унинг ошкоралигига, йиллик бухгалтерия ҳисоботлари асосли операциялар ва ишланмалар асосида тузилганлигига, ишончли тақдим қилинганлигига баҳо берамиз.
- Биз ушбу маълумотлар узаро таъсирини амалга ошириш мақсадида корпаратив бошқариш тизими талабларига жавоб берадиган, аудит ўтказиш режалаштирилган муддати ва ҳажми тўғрисидаги маълумотларни, аудит натижалари бўйича берилган муҳум изоҳлар, шу жумладан, биз аудит ўтказиш давомида аниқлайдиган ички назорат тизимидаги камчиликларни уларнинг эътиборига ҳавола этамиз.

МЧЖ "Zamin oil-audit" АТ

директор, аудитор:

Аудиторнинг квалификация сертификати
№ 05590 07.02.2019 йилда берилган.

04- апрел 2022 йил



А. У. Хужакулов